

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮНУСОВА МАЛИКАХОН САИДХАБИБОВНА

«ОРТОФ-S» ПРЕПАРАТИНИНГ АСЕПТИК ЯЛЛИҒЛАНИШДА
ФАРМАКОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of Doctor of philosophy (PhD)

Юнусова Маликахон Саидхабибовна

«Ортоф-S» препаратининг асептик яллиғланишда фармакологик самарадорлигини баҳолаш3

Юнусова Маликахон Саидхабибовна

Оценка фармакологической эффективности препарата «Ортоф-S» при асептическом воспалении23

Yunusova Malikaxon Saidhabibovna

Evaluation of the pharmacological efficacy of the drug «Ortof-S» in aseptic inflammation43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....48

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02. РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ

ЮНУСОВА МАЛИКАХОН САИДХАБИБОВНА

«ОРТОФ-S» ПРЕПАРАТИНИНГ АСЕПТИК ЯЛЛИҒЛАНИШДА
ФАРМАКОЛОГИК САМАРАДОРЛИГИНИ БАҲОЛАШ

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.1.PhD/Tib1724 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тиббиёт академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аллаева Мунира Журакуловна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Зуфаров Пўлат Саатович.
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Файзиева Зиёда Тураевна.
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашининг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2025 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Ҳозирги глобаллашув даврида яллиғланиш ва у билан боғлиқ касалликлар дунё аҳолиси соғлиғи учун жиддий тиббий-ижтимоий муаммо бўлиб ҳисобланади¹. Яллиғланиш ҳар хил касалликларнинг патогенезида асосий ўрин тутадиган мураккаб биологик жараён бўлиб, унинг ривожланиши турли ташқи ва ички омиллар таъсирида юз беради. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг (ЖССТ) маълумотларига кўра, дунё аҳолисининг 1/5 қисми яллиғланиш касалликлари туфайли даволанишга муҳтож бўлиб, уларнинг айрим турлари ногиронлик ва эрта ўлимга олиб келиши мумкин. Қайд этилган нуфузли ташкилотнинг сўнги ҳисоботларига кўра, яллиғланишга боғлиқ касалликлар, хусусан, артрит, бронхиал астма, юрак-қон томир, аутоиммун ва ичак касалликлари миллионлаб одамларни қамраб олган бўлиб, бу муаммо юқорида таъкидланганимиздек нафақат тиббий, балки иқтисодий ва ижтимоий аҳамиятга ҳам эга. Яллиғланиш жараёнининг кенг тарқалиши ва унинг турли касалликлар билан боғлиқлиги ЖССТ ва соғлиқни сақлаш мутахассисларини жиддий хавотирга солиб келмоқда. Шу сабабли яллиғланишга қарши самарали, хавфсиз ва янги препаратларни яратиш зарурати кун сайин ошиб бормоқда.

Бутун дунё аҳолисини қатта ёшдаги қатламининг 10-20% мунтазам равишда ностероид яллиғланишга қарши воситалар (НЯҚВ) қабул қилади, улар асосан бўғим, мушак яллиғланишини, бош ва тиш оғриғини даволашда ишлатилади. АҚШда ҳар куни тахминан 13 миллион киши ушбу гуруҳ препаратлардан фойдаланади, бу эса самарали ва хавфсиз яллиғланишга қарши воситаларга юқори талаб мавжудлигини кўрсатади. Шу сабабли, яллиғланишнинг ривожланиши ва ундан келиб чиқувчи касалликлар билан курашишда янги тадқиқотлар ўтказиш, самарали даволаш усулларини жорий қилиш ва дори воситалари ишлаб чиқариш соғлиқни сақлаш тизим учун муҳим аҳамиятга эга. Бу натижада, аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг сифати, оммабоплиги ва самарадорлигини ошириб, дунёда соғлом турмуш тарзини кўллаб-қувватлашнинг янги босқичга ўтишга хизмат қилади.

Республикада яллиғланиш ва у билан боғлиқ касалликларнинг самарали ташхислаш ва даволашда замонавий ҳамда хавфсиз усулларни ишлаб чиқиш, тиббиёт соҳасини ривожлантириш ва халқимизга юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш учун қуйидаги муҳим вазифалар белгиланган «...мамлакатимизда яллиғланишга боғлиқ касалликларнинг самарали диагностикаси ва даволашни амалга ошириш, замонавий дори воситалари ва инновацион терапевтик усулларни жорий қилиш, шунингдек, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва касалликларнинг олдини олишнинг комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш...»². Бу вазифаларнинг муваффақиятли

¹ Dowling J.K., Mansell A. Toll-like receptors: the swiss army knife of immunity and vaccine development. Clin Transl Immunol. 2016 May 20;5(5):e85. doi: 10.1038/cti.2016.22

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли қарори «Доривор воситалар ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва импортини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»

бажарилиши нафақат тиббиёт тизимининг ривожланишини, балки аҳолининг ҳаёт сифатини яхшилашни ҳам таъминлайди. Бундай ислоҳотлар мамлакат соғлиқни сақлаш ва фармацевтика тизимини ривожлантириш бўйича миллий стратегия доирасида белгиланган мақсадларга эришишга бевосита ёрдам беради.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар доирасида мамлакатимиз фармацевтика саноатини ривожлантириш ва саломатликни мустаҳкамлаш борасида аҳолини сифатли, зарарсиз ҳамда арзон маҳаллий дори воситалари билан таъминлаш борасида муайян натижаларга эришилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сонли қарори «Доривор воситалар ва тиббий буюмлар ишлаб чиқариш ва импортини янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»; 2019 йил 10 апрелдаги ПҚ-5707-сонли қарори «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тезкор такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; 2022 йил 26 октябрдаги ПҚ-411-сонли қарори «Аҳолини сифатли доривор воситалар ва тиббий буюмлар билан таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»; 2019 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сонли фармони «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида»; 2024 йил 23 январдаги ПФ-20-сонли фармони «Фармацевтика тармоғини тартибга солиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган маълум вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада ҳизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё бўйича кўпгина тадқиқотчилар яллиғланиш жараёнларининг ривожланиш механизмларини ўрганиш ва янги, хавфсиз ҳамда самарали ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини шу жумладан бошқа дори воситалари билан комбинацияда ишлаб чиқишга интилишмоқда. Масалан, омепразол билан комбинацияда ишлатиш устида илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу йўналишдаги тадқиқотларга P.X. Zhang, K. Pen, P. Dubner, J.L.Wallace, H.E.Vonkeman, C. P. Tonussi, S.H. Feppeira, C. Sostpes, C.J. Gargallo, M.T. Arroyo, A.Lanas, G. Singh, D.P.Pamey, D. Mopfeld, Page J., Henpy D., Liu L. Y., Fei X. W., Li Z. M., Zhang Z. H., Lazzaponi M., Bianchi Poppo G., B. KuKanich, T. Bidgood, O. Knes, Katelapis P., Phelps G., Kapateev A.E., Nasonov E.L., Napirforoosh S, Asghar W, Jamali F., Geus W., Mathot P., Muldep P., Lameps C., DePuitep J., Da Costa B.P., Peichenbach S., Kellep N., Buer, J.K., Patpignani P., Brown T.J., Hooper L., Elliott P.A., Г.Я.Шварц, В.И.Симаненков, Е.А.Лутаенко, А.А.Никогосян, А.В. Шаброва, Ю.П. Успенский, Насонов Е.Л., Яхно Н.Н. , Максимов М.Л., И.В.Маев, А.А. Самсонов, Д.Н. Андреев,

А.Е. Каратеев, Е.Л.Насонов, Н.Н. Яхно, В.Т.Ивашкин, А.М.Лиля, М.В.Чурюканов ва бошқалар муҳим ҳисса қўшганлар. Ушбу тадқиқотлар нафақат ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларининг яллиғланиш касалликларига таъсирини, балки уларнинг узоқ муддатли ишлатилиши билан боғлиқ бўлган таъсирларни ўрганишга қаратилган.

Яллиғланиш касалликларини даволашдаги мавжуд ютуқларга қарамасдан, янги, хавфсиз ва самарали терапевтик стратегияларга катта эҳтиёж мавжуд. Турли мамлакатлар олимлари олиб бораётган тадқиқотлар, янги ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини ишлаб чиқишга бўлган заруратини ва уларнинг ноҳўя таъсирларини минималлаштириш, беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга интилишмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистонда ҳам ушбу соҳада фаол тадқиқотлар олиб борилмоқда. Х.У.Алиев, З.З.Ҳакимов, А.Х.Раҳманов, М.М.Каримов, Р.Т.Туляганов, А.В.Якубов, П.С.Зуфаров, Ф.М.Тохтаходжаева, Б.У.Ирискулов, А.Т.Камилова, А.Х.Қасимова, Т.Д.Абдуллаев, С.Р.Кенжаев, Д.А.Алимов, Ш.А.Худайбергенов, М.А.Бабаев, С.М.Атабаева ва бошқалар яллиғланиш механизмларини ишлаб чиқиш ва янги ностероид яллиғланишга қарши дори воситаларини баҳолаш борасида муҳим ишлар олиб боради. Бу тадқиқотлар мамлакатимизда касалликларни даволаш ва олдини олиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади, шу билан бирга тиббий фан ва амалиётни ривожлантиришнинг стратегик йўналишларини ривожлантиради.

Бироқ, асептик яллиғланишни даволашга қаратилган янги фармакологик дори воситаларининг кўп бўлишига қарамай, уларнинг самарадорлиги аксарият ҳолларда тиббиёт ходимлари томонидан қониқарли деб баҳоланмайди. Бундан ташқари, яллиғланиш жараёнларини самарали ингибиторлар ёрдамида назорат қилишга қаратилган комбинирланган дори воситаларини ишлаб чиқиш ўз долзарблигини йўқотмаган. Янги дори воситасининг асептик яллиғланишга таъсирини фармакологик нуқтаи назардан баҳолаш, унинг клиник аҳамияти ва самарадорлигини аниқлаш, шунингдек, ёки бошқа аналоглар билан таққослаш орқали янги тадқиқотлар олиб бориш диссертациянинг мақсади ва илмий-амалий аҳамиятини белгилаб беради.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Даволаш усулларини такомиллаштириш ҳамда янги дори воситаларини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ қилиш» мавзуси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади: «Ортоф-S» комбинацияланган препаратининг яллиғланишга қарши самарадорлигини ва анъанавий ностероид яллиғланишга қарши дори воситалари билан боғлиқ хавфларни камайитиришга қаратилган гастропротектив таъсирини баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

«Ортоф-S» нинг турли флогоген агентлар таъсиридан келиб чиққан асептик яллиғланишга, шунингдек, унинг алоҳида босқичларига (экссудация ва пролиферация) таъсирини яллиғланишга қарши воситалар билан солиштириб ўрганиш;

«Ортоф-S» нинг яллиғланишга қарши таъсир механизмининг баъзи жиҳатларини аниқлаш ва унинг фаоллигини стандарт дори воситалари билан қиёсий баҳолаш;

«Ортоф-S» нинг анальгетик ва антипиритик таъсирини ўрганиш;

«Ортоф-S» ни экспериментал ҳайвонларда ортофен ва ацетилсалицил кислота таъсирида чақирилган гастропатияларда самарадорлигини аниқлаш;

«Ортоф-S» дори воситасининг экспериментал ҳайвонларда хавфсизлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида «Ортоф-S», диклофенак (МЧЖ «Озон», Россия), анальгин (ОАЖ «Борисов номидаги тиббий препаратлар заводи», Беларусь), парацетамол (ОАЖ «Фармстандарт Дорилари», Россия), омепразол (ОАЖ «Борисов номидаги завод»), кетопрофен (Кетанейм «NEOUNIVERSE LLP», Лондон, Бирлашган Қироллик) каби таблетка дори воситалари ва клиникагача бўлган тадқиқотлар учун тажриба ҳайвонлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети. Тадқиқот предмети сифатида лаборатория шароитида юзага келган яллиғланиш ва гастропатия белгилари мавжуд лаборатория ҳайвонларининг қони, зардоби материаллари ва ички аъзоларининг олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда фармакологик, биокимёвий, морфологик, токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Илк бор диклофенак ва омепразолдан иборат янги дори воситасининг 7 мг/кг дозада каррагенин, формалин, декстранли ўткир яллиғланиш кечишида ва сурункали яллиғланишнинг антиэкссудатив, пролифератив фазаларига яллиғланишга қарши самарадорлигининг референс диклофенак препаратига нисбатан устунлиги, уни диклофенак га альтернатив дори воситаси сифатида қўллаш имкони аниқланган;

«Ортоф-S» қон зардобидеги интерлейкин-6 ни 53%, α -ўсма некрози омили (ЎНО- α) даражасини 27% га ($p < 0,05$), интерлейкин-1 β ни 30 % га камайтириб, яллиғланишга қарши цитокин интерлейкин-10 эса 50%га ошириб, яллиғланишга қарши юқори фаоллик намоеън этиши аниқланган;

«Ортоф-S» нинг уксус кислота таъсиридаги оғриқ жараёнини 76,6% га сусайтириб анальгин препарати сингари оғриқ қолдирувчи таъсирга эгаллиги, пирогенал таъсиридаги кўтарилган тана ҳароратини парацетамол сингари пасайтириши ва унинг оғриқ қолдирувчи самарасининг антипиритик таъсиридан устунлиги исботланган;

Монотерапияда қўлланилган диклофенак билан солиштирганда, комбинацияланган дори воситаси гастропротектор самарага эгаллиги тажрибавий гастропатияда ошқозоннинг эрозив зарарланишларини ва меъда

шираси миқдорини камайтирганлиги ($p < 0,01$) билан изоҳланган бўлиб, бу комбинацияни НЯҚДВ таъсирида келиб чиққан гастропатияда, сурункали ревматологик яллиғланиш касалликларини даволашда ва олдини олишда тавсия қилишга асос бўлиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

янги маҳаллий дори воситасида диклофенак ва омепразолни бирлаштириб ишлаб чиқиши, анъанавий ностероид яллиғланишга қарши препаратлар билан боғлиқ асоратларни камайтириши ва тиббиёт амалиётига тадбиқ этиш афзалликлари исботланган;

мазкур дори воситасини клиник амалиётдаги юқори фаоллиги ва хавфсизлиги, яллиғланиш касалликларини даволашда самарадорликни оширишга ва импорт препаратларни ўрнини босиши аниқланди. Препаратнинг тадбиқ этиш миллий соғлиқни сақлаш ва фармацевтика соҳасидаги мақсадларга эришишга ҳамда илмий тадқиқотларнинг ривожланишига ҳисса қўшиши асосланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, тажриба ҳайвонлари ҳамда дори воситасининг намуналари сонининг етарлилиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларнинг бири иккинчисини тўлдирадиган фармакологик, биокимёвий, морфологик ва статистик усуллар асосида «Ортоф-S» дори воситасининг яллиғланишга қарши таъсири халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлаганлиги билан асосланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти янги маҳаллий дори воситаси, ўз ичида диклофенак ва омепразол фаол моддаларини сақлаган «Ортоф-S» препаратининг таъсир механизмларини ва яллиғланишга қарши фаоллигини аниқланиши, «Ортоф-S» дори воситасининг анъанавий ностероид яллиғланишга қарши препаратлардан устунлигини исботлаб, у ошқазон ичак тизимига салбий таъсир қилмаслиги ва унинг шиллиқ қаватини шикастмаслиги асосланиши, самарали терапевтик дозани аниқлаш орқали дори воситаси асептик яллиғланишни олдини олиш ва даволашда тавсия этилиши мумкин эканлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти «Ортоф-S» дори воситасининг диклофенак билан тенг, балки ундан ҳам кучли яллиғланишга қарши таъсири борлиги, унинг яллиғланиш касалликларини олдини олиш ва даволашда самарали восита эканлиги тавсия этилиши, бу Ўзбекистон Республикасининг янги маҳаллий ностероид яллиғланишга қарши дори воситалар қаторига қўшилишига имкон бериши, дори воситасини Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан яллиғланишга қарши восита сифатида тавсия этиш имконини бериши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Диклофенак ва омепразолдан иборат янги дори воситасининг фармакологик самарадорлигини баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида

биринчи илмий янгилик: илк бор диклофенак ва омепразолдан иборат янги дори воситасининг 7 мг/кг дозада каррагенин, формалин, декстранли ўткир яллиғланиш кечишида ва сурункали яллиғланишнинг антиэкссудатив, пролифератив фазаларига яллиғланишга қарши самарадорлигининг референс диклофенак препаратига нисбатан устунлиги, уни диклофенакга альтернатив дори воситаси сифатида қўллаш имкони аниқланганлиги Тошкент Фармацевтика институти “Инновацион фармацевтик бирикмалар” илмий лабораторияси 2024 йил 25 ноябрдаги 669-сонли буйруғи ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти биокимё илмий лабораторияси 29.11.2024 йилдаги 630-сонли буйруқ билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/33-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: маҳаллий янги дори воситасининг ўткир ва сурункали яллиғланишда самарадорлиги беморлар орасида касалликни эрта ташҳислаш ва даволаш, асоратларни олдини олиш, ногиронлар сонини ва ўлим даражасини камайтириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлиги: «Ортоф-S» дори воситасининг юқори самарадорлиги, уни ўткир ва сурункали яллиғланиш фармакотерапиясининг таннархини пасайтириш, амбулатор ва стационар даволаниш кунининг қисқариши билан изоҳланади. Хулоса: диклофенак ва омепразолнинг комбинацияланган дори воситасининг яллиғланишга қарши самарадорлиги НЯҚДВ ларининг тиббиётда қўллаш имконини кенгайтиради ва уни яллиғланишни даволашда ва олдини олишда тавсия қилишга асос яратади.

иккинчи илмий янгилик: «Ортоф-S» қон зардобиддаги интерлейкин-6 ни 53%, α -ўсма некрози омили (ЎНО- α) даражасини 27% га ($p < 0,05$), интерлейкин-1 β ни 30 % га камайтириб, яллиғланишга қарши цитокин интерлейкин-10 эса 50%га ошириб, яллиғланишга қарши юқори фаоллик намоён этиши аниқланганлиги Тошкент Фармацевтика институти “Инновацион фармацевтик бирикмалар” илмий лабораторияси 2024 йил 25 ноябрдаги 669-сонли буйруғи ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти биокимё илмий лабораторияси 29.11.2024 йилдаги 630-сонли буйруқ билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/33-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: «Ортоф-S» дори воситасини сурункали яллиғланиш касалликларини даволашга қаратилган терапия йўналишларида муҳим амалий аҳамиятга эга. Иқтисодий самарадорлиги: Дори воситасининг қон томирларни мустаҳкамловчи, антипиритик, анальгетик самарадорлиги ногиронлар сонини камайтириш, беморларнинг иш қобилиятларини ошириш имконини беради. Хулоса: «Ортоф-S» билан ревматоид артрит, остеоартрит, анкилозловчи спондиллит ва бошқа сурункали яллиғланиш билан кечувчи касалликларни консерватив даволаш беморларда бўғимлардаги шишларни камайишига, оғрик

синдромини енгиллашишига, гастропатия ривожланишига тўсқинлик қилиб, ҳаёт сифатини яхшиланиш имконини берган.

учинчи илмий янгилик: «Ортоф-S» нинг уксус кислота таъсиридаги оғриқ жараёнини 76,6% га сусайтириб анальгин препарати сингари оғриқ қолдирувчи таъсирга эгаллиги, пирогенал таъсиридаги кўтарилган тана ҳароратини парацетамол сингари пасайтириши ва унинг оғриқ қолдирувчи самарасининг антипиритик таъсиридан устунлиги исботланганлиги Тошкент Фармацевтика институти “Инновацион фармацевтик бирикмалар” илмий лабораторияси 2024 йил 25 ноябрдаги 669-сонли буйруғи ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти биокимё илмий лабораторияси 29.11.2024 йилдаги 630-сонли буйруқ билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/33-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: «Ортоф-S» дори воситасининг НЯҚДВ таъсирида келиб чиққан гастропатияда, сурункали ревматоид яллиғланиш касалликларини даволашда ва олдини олишда тавсия қилиниши ногиронлар сонининг камайишига асос ҳисобланади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: маҳаллий «Ортоф-S» дори воситасининг юқори гастропротекторлик самарадорлиги, уни ўткир ва сурункали яллиғланиш фармакотерапиясининг таннархини пасайтириш, амбулатор ва стационар даволаниш кунининг қисқариши билан изоҳланади. Хулоса: диклофенак ва омепразолнинг комбинацияланган дори воситасининг тиббиётда қўлланилиши НЯҚДВ таъсирида келиб чиққан гастропатияда, сурункали ревматоид яллиғланиш касалликларини даволашда ва олдини олишда тавсия қилиш имконини беради.

тўртинчи илмий янгилик: монотерапияда қўлланилган диклофенак билан солиштирганда, комбинацияланган дори воситаси гастропротектор самарага эгаллиги тажрибавий гастропатияда ошқозоннинг эрозив зарарланишларини ва меъда шираси миқдорини камайтирганлиги ($p < 0,01$) билан изоҳланган бўлиб, бу комбинацияни НЯҚДВ таъсирида келиб чиққан гастропатияда, сурункали ревматологик яллиғланиш касалликларини даволашда ва олдини олишда тавсия қилишга асос бўлиши исботланганлиги Тошкент Фармацевтика институти “Инновацион фармацевтик бирикмалар” илмий лабораторияси 2024 йил 25 ноябрдаги 669-сонли буйруғи ҳамда Тошкент педиатрия тиббиёт институти биокимё илмий лабораторияси 29.11.2024 йилдаги 630-сонли буйруқ билан амалиётга жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартдаги 13/33-сонли хулосаси). Ижтимоий самарадорлиги: «Ортоф-S» дори воситасини сурункали яллиғланиш касалликларини даволаш ва касаллик асоратларини ривожланиш хавфини камайтириш имконини беради. Иқтисодий самарадорлик: диклофенак ва омепразолни алоҳида тавсия этиш харажатларини «Ортоф-S» фармакотерапиясида камайиши аниқланди. Бу эса соғлиқни сақлаш тизимида ресурсларни тежаш, узоқ муддатли даволаш харажатларини камайтириш ва яллиғланишга қарши маҳаллий дори воситаларининг арсеналини кенгайтиришига имкон яратади. Хулоса: «Ортоф-S»

нинг импорт дори воситалари ўрнини босувчи маҳаллий препарат сифатида тавсия этилиши ва клиник амалиётга жорий қилиниши яллиғланиш касалликларини даволашнинг самарадорлигини оширишга хизмат қилади. «Ортоф-S» дори воситасига TSt 42-01:2002 стандарти асосида фармакопоя мақоласи ишлаб чиқилган ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига қарашли «Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази» Давлат муассасаси томонидан рўйхатга олинган (Рўйхатдан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳнома рақами DV/M 03831/06/21).

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 13 та илмий–амалий анжуманларда, жумладан 11 та халқаро ва 2 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 19 та илмий иш чоп этилган бўлиб, улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ташкил топган. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва амалий аҳамияти асослаб берилиб, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари аниқ баён қилинган. Шунингдек тадқиқотнинг объекти ва предмети батафсил тавсифланган бўлиб, Республика илмий-технологик тараққиётининг устувор йўналишлари билан тадқиқот мавзусининг уйғунлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги ва уларнинг назарий ҳамда амалий аҳамияти очиқ берилган. Тадқиқот натижаларини тиббий амалиётга татбиқ этиш йўналишлари баён этилган, диссертация ишининг апробацияси ва нашр қилинган илмий ишлар ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Яллиғланиш механизмларига замонавий ёндашув**» деб номланган биринчи бобида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда яллиғланиш механизмлар, замонавий фармакологик ёндашувлар ва яллиғланиш асосидаги касалликларини даволашда дорилар комбинацияси ҳақидаги маълумотлар батафсил кўриб чиқилган. Боб сўнгида таҳлил қилинган материал умумлаштирилиб, хулосалар берилган.

Диссертациянинг «**Материаллар ва тадқиқот усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тажриба ҳайвонларида ўтказилган экспериментлар сериясининг умумий тавсифи ва қўлланилган услублари батафсил баён этилган. Янги «Ортоф-S» препаратнинг яллиғланишга қарши, оғрикни камайтирувчи ва антипиретик хусусиятлари экспериментал тадқиқотлар орқали аниқланиши методологияси маълумотлари тақдим этилган. Доклиник тадқиқотлари Тошкент Фармацевтика институти лабораториясида ва «New

innovation» МЧЖ лабораторияларида халқаро ва миллий стандартларга мувофиқ ўтказилгани кўрсатилган. Жами 383 та тажриба ҳайвони (каламушлар, сичқонлар, денгиз чўчқалари ва қуёнлар) иштирок этган бўлиб, улар стандарт лаборатория шароитида сақланган ва тажрибага тайёрланган.

Диссертациянинг тажриба изланишларининг натижалари ва уларнинг муҳокамаси, «Тажриба қисми», деб номланган учинчи бобида тақдим этилган. «Ортоф-S» препаратининг каррагенин билан чақирилган яллиғланиш моделидаги самарадорлиги баҳоланди (1-жадвал). Каррагенин юборилганидан 3 соат ўтгач, назорат гуруҳида оёқ ҳажми 63% га ошгани аниқланди ($1,0 \pm 0,08$ мл дан $1,63 \pm 0,1$ мл гача; $p < 0,05$). «Ортоф-S» препарати 5 мг/кг дозада яллиғланиш реакциясини 63,5% га камайтирган ($1,24 \pm 0,08$ мл; $p < 0,05$), 7 мг/кг дозада эса бу кўрсаткич 69,8% ни ташкил этган ($1,20 \pm 0,08$ мл; $p < 0,05$). Диклофенак таъсирида эса яллиғланиш 57,2% га пасайган ($1,27 \pm 0,09$ мл; $p < 0,05$).

Хулоса қилиб айтганда, «Ортоф-S» ва диклофенак нинг каррагенин моделидаги фаолликлари ўзаро таққосланганда, «Ортоф-S» нинг диклофенакга нисбатан самарали эканлиги аниқланди.

1-жадвал

Каламушларда каррагенин яллиғланишида «Ортоф-S» ва диклофенак препаратларининг самарадорлик динамикаси

Оғирлиги, г	Соғлом панжа хажми, мл	Каррагениндан сўнг панжа хажми, мл	Панжа катталашиши, мл	ЯҚС, %
Назорат гуруҳи (NaCl)				
$189,7 \pm 6,4$	$1,0 \pm 0,08$	$1,63 \pm 0,1$	$0,63 \pm 0,05$	
«Ортоф-S» 5 мг/кг				
$195,0 \pm 6,5$	$1,01 \pm 0,05$	$1,24 \pm 0,08$ ($p < 0,05$)	$0,23 \pm 0,05$ ($p < 0,05$)	63,5
«Ортоф-S» 7 мг/кг				
$192,7 \pm 6,5$	$1,01 \pm 0,05$	$1,20 \pm 0,08$ ($p < 0,05$)	$0,19 \pm 0,05$ ($p < 0,05$)	69,8
Диклофенак				
$193,5 \pm 6,7$	$1,0 \pm 0,07$	$1,27 \pm 0,09$ ($p < 0,05$)	$0,27 \pm 0,08$ ($p < 0,05$)	57,2

«Ортоф-S» препаратининг формалин билан чақирилган яллиғланиш моделларидаги самарадорлиги баҳоланиб, препаратнинг яллиғланишга қарши фаоллиги аниқланди. Формалин юборилганидан сўнг каламушларда оёқ хажми 67% га ошгани кузатилди ($0,96 \pm 0,05$ мл дан $1,61 \pm 0,07$ мл гача; $P < 0,05$). «Ортоф-S» препарати 5 мг/кг дозада яллиғланиш жараёнини 62% га, 7 мг/кг дозада эса 63,6% га камайтирди. Бу вақтда диклофенак таъсирида яллиғланиш 54,5% га, омепразол билан даволанган гуруҳ каламушларида яллиғланиш 7% га камайтганлиги кузатилди (2-жадвал).

«Ортоф-S» препарати формалин, каррагенин билан чақирилган асептик яллиғланишда $P < 0,05$ ишонарлик даражасида самарадорлик кўрсатган бўлсада, диклофенак препаратидан устунлик намоён қилмади. «Ортоф-S» ва Диклофенак ўртасидаги яллиғланишга қарши фаоллик фарқи 2-5% ни ташкил этди. Шунингдек, «Ортоф-S» таркибидаги омепразол яллиғланишга қарши таъсири бўйича бошқа препаратлардан пастроқ натижа кўрсатган.

Каламушларда формалин яллиғланишида «Ортоф-S», диклофенак ва омепразол препаратларининг самарадорлик динамикаси

Оғирлиги, г	Соғлом панжа хажми, мл	Формалиндан сўнг панжа хажми, мл	Панжа катталашиши, мл	ПВЭ %
		5 с	5 с	
Назорат гуруҳи (дистилланган сув)				
187±5,5	0,96±0,05	1,61±0,07	0,55±0,1	-
«Ортоф-S», 5 мг/кг				
190±2,7	0,95±0,07	1,19±0,4 (P<0,05)	0,2±0,06 (P<0,05)	62%
«Ортоф-S», 7 мг/кг				
192±4,9	0,95±0,07	1,12±0,6 (P<0,05)	0,2±0,06 (P<0,05)	63,6%
Диклофенак				
190±7,8	0,98±0,1	1,18±0,07 (P<0,05)	0,25±0,05 (P<0,05)	54,5%
Омепразол				
188±7,1	0,99±0,1	1,50±0,12 (P<0,05)	0,51±0,07 (P<0,05)	7%

Юқоридагиларга асосланиб, хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Ортоф-S» диклофенак билан таққосланадиган сезиларли яллиғланишга қарши таъсир кўрсатди. Унинг таркибида омепразол мавжудлиги препаратнинг самарадорлигига кўшимча таъсир кўрсатиши мумкин. Шу муносабат билан, «Ортоф-S» диклофенак билан бирга асептик яллиғланиш жараёнларини даволаш учун муқобил восита сифатида қаралиши мумкин.

«Ортоф-S» препаратининг декстран билан чақирилган яллиғланиш моделларидаги самарадорлиги баҳоланиб, унинг яллиғланишни камайтириш таъсири тасдиқланди. Тажриба натижаларига кўра, соғлом каламушларда оёқ хажми 1,1±0,08 мл ни ташкил этган бўлса, декстран юборилгандан сўнг бу кўрсаткич 1,80±0,04 мл гача ошган. Яллиғланиш реакцияси натижасида оёқ хажми 0,70±0,08 мл га ортган. «Ортоф-S» ва диклофенак препаратлари декстран билан чақирилган яллиғланиш реакциясини назорат гуруҳи билан солиштирганда сезиларли даражада пасайтирган (3-жадвал).

Хусусан, «Ортоф-S» 7мг/кг ва диклофенак 5мг/кг дозаларда яллиғланишни 62,8% хамда 57,1% га камайтирган. Шу билан бирга, «Ортоф-S» 5 мг/кг дозада яллиғланишни 48,5% га пасайтирган. омепразол эса асептик яллиғланишни 9% га камайтириб, Диклофенак ва «Ортоф-S» га нисбатан самарасиз таъсир кўрсатди.

Каламушларда декстран яллиғланишида «Ортоф-S», диклофенак ва омепразол дориларининг самарадорлиги динамикаси

Оғирлиги, г	Соғлом панжа хажми, мл	Декстрандан сўнг панжа хажми, мл	Панжа катталашиси, мл	ПВА
		3 с	3 с	
Назорат гуруҳи (NaCl)				
180±7,1	1,1±0,08	1,80±0,04	0,70±0,08	
«Ортоф-S», 5 мг/кг				
182,5±5,7	1,0±0,07	1,36±0,1 (p<0,05)	0,36±0,05 (p<0,05)	48,5
«Ортоф-S», 7 мг/кг				
180,8±6,3	1,0±0,07	1,26±0,1 (p<0,05)	0,26±0,05 (p<0,05)	62,8
Диклофенак				
181,8±8,5	1,1±0,08	1,40±0,09 (p<0,05)	0,30±0,08 (p<0,05)	57,1
Омепразол				
179,2±7,6	1,0±0,08	1,64±0,03	0,64±0,04 (p<0,05)	9

Навбатдаги тажрибаларда каррагенин билан чақирилган яллиғланиш моделида препаратнинг кетопрофен билан солиштирма самарадорлиги баҳоланиб, 7 мг/кг дозада «Ортоф-S» яллиғланишни тажрибанинг 5-соатида максимал 23,35% га камайтирганлиги аниқланди. Хусусан, каррагенин юборилганидан сўнг назорат гуруҳида оёқ ҳажми 41,5% га ортган (4-жадвал).

4-жадвал

«Ортоф-S» ва кетопрофен препаратларининг яллиғланишга қарши таъсири

Оғирлиги, гр	Соғлом панжа хажми, мл	Каррагениндан сўнг панжа хажми, мл	Каррагениндан сўнг панжа хажми, мл
		3 с	5 с
Назорат гуруҳи (NaCl)			
191,7 ± 5,6	1,18 ± 0,07	1,8 ± 0,12	1,67 ± 0,07
«Ортоф-S», 7 мг/кг			
190 ± 7,6	1,13 ± 0,12	1,38 ± 0,14 (P<0,05)	1,28 ± 0,08 (P<0,05)
Кетопрофен			
190,3 ± 6,1	1,16 ± 0,1	1,30 ± 0,17 (P<0,05)	1,22 ± 0,05 (P<0,05)

Изоҳ: P<0,05-ишонарлилик даражаси

«Ортоф-S» препарати қабул қилинган гуруҳларда (5,7 мг/кг) яллиғланиш камайиши тажрибани 3-соатида 23,3% ва 23,4% ни ташкил этган. Солиштириш учун Кетопрофен препарати қўлланган ҳолда ўтказилган тажрибаларда 3-соатда яллиғланиш 28 %, 5-соатда эса 27% га пасайгани кузатилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, «Ортоф-S» кетопрофенга нисбатан яллиғланишни пасайтиришда кучлироқ самарадорлик кўрсатган. Ушбу натижалар «Ортоф-S» препаратининг яллиғланишга қарши таъсири кучли эканлигини ва унинг асептик яллиғланиш моделларида самарали восита сифатида тавсия қилиниши мумкинлигини тасдиқлайди.

«Ортоф-S» препаратининг яллиғланишнинг пролифератив фазасига таъсири «Cotton pellet» усули ёрдамида ўрганилиб, унинг яллиғланишга

қарши юқори самарадорликка эга эканлиги яна бир маротаба тасдиқланди (5-жадвал). Тадқиқот натижаларига кўра, назорат гуруҳида грануляцион тўқима массаси $52,1 \pm 6,0$ мг бўлиб, бу 100% деб қабул қилинди. «Ортоф-S» қабул қилган гуруҳларда грануляцион тўқима массаси сезиларли даражада камайди: 5мг/кг дозада 70,1% ва 7 мг/кг дозада 71,4% га камайган.

Шу билан бирга, диклофенак 68,1% самарадорлик кўрсатган бўлса, омепразол фармакотерапияси таъсирида бу кўрсаткич атиги 8,8% ни ташкил этган.

Пролифератив жараёни тормозлаш самарадорлиги бўйича «Ортоф-S» препарати 7 мг/кг дозада 83,7% фаоллик кўрсатган, бу эса диклофенак (62,3%) ва омепразол (6,7%) билан таққослаганда анча юқори натижа ҳисобланади. «Ортоф-S» препаратининг яллиғланишга қарши самарадорлигини унинг таркибидаги омепразол таъсирида Диклофенакнинг биосингувчанлигининг ошиши билан изохлаш мумкин.

5-жадвал

«Ортоф-S», диклофенак ва омепразол нинг яллиғланишга қарши фаоллиги

Оғирлиги, гр	Хом гранулёмалар массаси, мг	Курук гранулёмалар массаси, мг	Экссудациянинг тормоз ланиши, %	Пролиферациянинг тормозланиши, %
Назорат гуруҳи (тозаланган сув)				
190,7±6,9	52,1±6,0	16,17±1,1	-	-
«Ортоф-S», 5 мг/кг				
191,8±6,8	25,5±3,4	11,8±1,01 (p<0,05)	70,1	62,3
«Ортоф-S», 7 мг/кг				
191,5±7,3	22,8±3,2	11,0±0,8 (p<0,05)	71,4	83,7
Диклофенак				
190,5±6,8	25,8±3,4	12,3±1,01 (p<0,05)	68,1	62,3
Омепразол				
191,3±7,2	47,5±3,9	15,1±0,7 (p<0,05)	8,8	6,7

Хулоса қилиш мумкинки, «Ортоф-S» препаратини сурункали яллиғланишларни даволашда самарали дори воситаси сифатида тавсия этиш мумкин.

«Ортоф-S» препаратининг каррагенин билан чақирилган яллиғланишда цитокинлар даражасига таъсири таҳлил қилинганда, яллиғланиш жараёнида муҳим роль ўйнайдиган яллиғланиш олди ИЛ-1β, ИЛ-6, ФНОα ва яллиғланишга қарши ИЛ-10 миқдорининг ўзгариши кузатилди. Назорат гуруҳидаги каламушларда ИЛ-1β миқдори интакт гуруҳга нисбатан 48,5% ошиши, ИЛ-6 эса 76,2% ошгани аниқланди. Бу ўзгаришлар иммунитет тизимининг дисрегуляцияси ва яллиғланиш реакциясининг кучайишини кўрсатади. Шу билан бирга, ЎНО α концентрацияси назорат гуруҳида 60%га ортгани кузатилган, бу эса яллиғланиш жараёнидаги пролиферация ва апоптоз жараёнларининг кучайишидан далолат беради. «Ортоф-S» препаратини қўллаш натижасида каламушларнинг қонидаги патологик ўзгаришлар камайгани қайд этилди. Препарат таъсирида ИЛ-1β миқдори назорат гуруҳи кўрсаткичларига

нисбатан 30%га , ИЛ-6 эса 53% га камайган, бу эса организмнинг яллиғланишга мослашувчанлик жавоб реакциясининг яхшиланганини кўрсатади(6-жадвал).

Флогоген таъсирида камайган (36%) қон зардобадаги ИЛ-10 яллиғланишга қарши цитокин даражаси «Ортоф-S» фармакотерапияси таъсирида 50% га ошгани препаратнинг яллиғланиш модуляциясида самарали таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Солиштириш мақсадида қўлланилган кетопрофен препарати («Кетанейм») ҳам ИЛ-1β ни 34% га, ИЛ-6ни 45%га, ФНОα ни 33% га камайтирган ва ИЛ-10 ни назорат гуруҳига нисбатан 42% га оширган.

6-жадвал

«Ортоф-S» ва кетопрофен препаратлари таъсири остида экспериментал каламушларнинг қон зардобадаги цитокинлар даражаси динамикада

Тажриба хайвонлари гуруҳлари	Ўрганилаётган кўрсаткичлар			
	Интерлейкин-1β, пг/мл	Интерлейкин-6, пг/мл	ЎНО-α, пг/мл%	Интерлейкин-10, пг/мл
I гуруҳ – интакт	1,90±0,3	0,84±0,12	4,70±0,56	0,22±0,16
II гуруҳ – назорат	2,82±0,23 p1<0,001	1,48±0,23 p1<0,01	7,50±0,6 P1<0,01	0,14±0,20 P1<0,01
III гуруҳ – «Ортоф-S»	1,68±0,19 p2<0,01	0,70±0,07 p2<0,0001	5,00±0,37 p2<0,001	0,21±0,12 p2<0,05
IV гуруҳ – «Кетопрофен»	1,86±0,2 p2<0,01	0,82±0,05 p2<0,01	5,50±0,4 p2<0,01	0,20±0,17 p2<0,05

Изоҳ: p1 – назоратга нисбатан интакт; p2 - «Ортоф-S» назоратга нисбатан.

Тадқиқот давомида олинган натижалар «Ортоф-S» препаратини яллиғланишга қарши юқори самарадорлигини тасдиқлайди.

«Ортоф-S» препаратининг томир ўтказувчанлигига таъсири ўрганилганда, унинг томир деворини мустаҳкамлашдаги самарадорлиги аниқланди. Ксилол юборилган каламушлар танланган бўлиб, препарат таъсирининг махсус хусусиятлари ўрганилди.

Эванс кўк бўёғи юборилгандан кейин папуланинг ранги ўзгариши кечикиши «Ортоф-S» таъсирида кузатилган.

Препарат қабул қилган каламушларда папуланинг рангланиш бошланиши $6,8 \pm 0,7$ дақиқада, назорат гуруҳида эса $3,9 \pm 0,4$ дақиқада қайд этилган. Бу «Ортоф-S» препаратининг папуланинг рангланишини 74,3% га кечиктирганини кўрсатади (7-жадвал).

7-жадвал

Ксилол интрадермал юборилиб, капилляр деворларининг ўтказувчанлиги бузилганида «Ортоф-S» препаратларининг таъсири

Тажриба хайвони тартиб рақами	Назорат гуруҳи					
	Оғирлиги, гр	Хажми, мл	Бўялиш вақти, минут			
			Бошланиши	%	Охири	%
M ± m	218,3±12,1	-	3,9 ± 0,4	-	7,0 ± 0,5	-
«Ортоф-S», 7 мг/кг						
M ± m	215,3±17,8	-	6,8 ± 0,7	74,3	11,0 ± 0,6	57,1
P-value	P < 0,5		P < 0,05		P < 0,05	

Шунингдек, ранг ўзгариши тўлиқ тугаши назорат гуруҳида $7,0 \pm 0,5$ дақиқада содир бўлган бўлса, «Ортоф-S» қабул қилган гуруҳда бу жараён $11,0 \pm 0,6$ дақиқани ташкил этган, яъни препарат бу жараённи $57,1\%$ га узайтирган.

Бу эса «Ортоф-S» препаратининг капилляр деворларини мустаҳкамлаш ва уларнинг ташқи таъсирларга чидамлилигини оширишда муҳим роль ўйнашини тасдиқлайди.

«Ортоф-S» томир ўтказувчанлигини пасайтириб, томир деворларини мустаҳкамлашда самарали таъсир кўрсатади. «Ортоф-S» томир тизимининг барқарорлигини оширишда ва микросиркуляцияни яхшилашда муҳим аҳамиятга эга бўлиши мумкин.

«Ортоф-S» препаратининг оғриқ сезувчанликка таъсирини баҳолаш учун сирка кислотаси билан чақирилган стандартлаштирилган оғриқ модели қўлланилди. Назорат гуруҳида сирка кислотаси юборилгандан сўнг ўртача $30,3 \pm 1,8$ марта «кўрчалар» кузатилган.

Тажриба гуруҳида «Ортоф-S» қабул қилган каламушларда бу кўрсаткич $7,5 \pm 0,5$ мартагача камайган, бу эса оғриқ сезувчанлигининг $75,3\%$ га пасайганини кўрсатади (8-жадвал).

8-жадвал

«Ортоф-S» ва анальгин препаратларининг оғриқ қолдирувчи таъсири

Тажриба ҳайвони массаси (г)	Сирка кислотаси 0,75 %	Сирка кислотаси юборилгандан кейинги тиришишлар сони.	Самара, %
Назорат гуруҳи + тозаланган сув			
$21,6 \pm 1,0$	0,2	$30,3 \pm 1,8$	-
Анальгин			
$21,8 \pm 0,75$	0,2	$7,5 \pm 0,5$ ($p < 0,05$)	75,3
«Ортоф-S»			
$21,6 \pm 1,0$	0,2	$7,1 \pm 0,75$ ($p < 0,05$)	76,6

«Ортоф-S» препаратининг самараси анальгин билан солиштирилганда, қабул қилган гуруҳда «кўрчалар» сони $76,6\%$ ($7, \pm 0,75$) га пасайган.

Демак, «Ортоф-S» анальгин препарати сингари анальгетик таъсирга эга.

«Ортоф-S» препаратининг ҳароратни туширувчи таъсири. Пирогенал билан чақирилган гипертермия моделидан фойдаланган ҳолда баҳоланди. Назорат гуруҳида пирогенал юборилгандан сўнг тана ҳарорати $39,5 \pm 0,44^\circ\text{C}$ гача ошди. «Ортоф-S» қабул қилган гуруҳда 60 дақиқадан сўнг ҳарорат $37,4 \pm 0,3^\circ\text{C}$ гача тушди, бу эса препаратнинг тез ва самарали гипотермик таъсирини кўрсатади.

Парацетамол қабул қилган гуруҳда ҳам ўхшаш натижалар кузатилиб, ҳарорат $37,7 \pm 0,2^\circ\text{C}$ гача пасайди.

«Ортоф-S» ва парацетамол препаратлари пирогенал билан чақирилган иситмани самарали равишда камайтириб, нормал ҳарорат ҳолатига қайтарди. Статистик таҳлил натижалари ($P < 0,05$) уларнинг гипотермик таъсири ишончли эканлигини тасдиқлади. Демак, «Ортоф-S» препарати парацетамолга тенг ҳароратни туширувчи таъсирга эга бўлиб, бу эса клиник қўллаш учун муҳим илмий асос ҳисобланади.

